КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ТЕРИМНИ КУН САЙИН АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 175 (7315). ● 12 сентябрь, 1980 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Кеча Бекобод районидаги 1-«Ленинград» совхозининг механик-ҳайдовчилари машина теримини бошлаб юбордилар.

Хўжалик 2-бўлимининг Эргаш Турдиалиев бошлиқ бригадаси пахта далалари яшил либосини ташлаб, кумушдек товланиб кетган. Пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ва эртаки ҳосил етиштирилди. Бригадада машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Ғўза дефодинацияси барвақт ва сифатли ўтказилди, машиналар қайтиш жойи тайёрлаб қўйилди.

Пахтазорга «зангори кема»сини биринчи бўлиб олиб кириш ҳуқуқи илғор механик-ҳайдовчи Шокир Тўхтаевга берилади. У бу йилги мавсумда агрегати бункеридан хирмонга 200 тонна «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган. Бирин-кетин бошқа механик-ҳайдовчилар ҳам машина теримига киришадилар. Пахтазорларда 10 та «зангори кема» ишлай бошлайди.

Бўлим коллективи бу машиналардан унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш планини 10 иш кунида — 20 сентябргача, Ватанга 900 тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини эса 1 октябргача шараф билан адо этишни режалаган.

— Бугун-эрта бошқа бўлимларимизда ҳам машина терими бошлаб юборилади, — дейди совхоз директори Ҳ. Қаҳрамонов. — Механик-ҳайдовчиларимиз машина теримини ипатоволикларнинг илғор иш тажрибаси асосида ўтказадилар. Бунинг учун 5 та терим-транспорт отряди ташкил этганмиз. Уларнинг ҳаммасида муваққат партия группалари тузилди.

Бўлим механик-ҳайдовчилари астойдил ғайрат қилиб, дастлабки кунлёқ агрегатлари бункеридан хирмонга ўнлаб тонна «оқ олтин» тўкишди.

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхознинг Н. Зонрҳўжаев, И. Қўшоқов, М. Муҳиддинов, Ж. Ортиқалиевлар бошлиқ бригадалари коллективлари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига «оқ олтин» топшириқини бошлаб юбордилар. Илғор бригадалар пахтакорлари бу йил катта маррани кўзлаб меҳнат қилаётирлар.

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Н. Зонрҳўжаев бошлиқ бригада аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига авж олган мусобақага қўшилиб, 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш ва қабул пунктларига пландаги 280 ўрнига 400 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бригадада терим жадал суръатларда олиб борилаётир. Пахтакорлар кунига қабул пунктига планнинг 2 процентидан ошириб «оқ олтин» жўнатмоқдалар.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам пахта терими қизғин давом этяпти. Колхоз аъзолари пахта тайёрлаш планини 28 сентябргача бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

ПЕШҚАДАМЛАР

ПИСКЕНТ. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этган 1-«Пискент» совхози пахтакорлари ўтган куни қабул пунктларига район хўжаликлари ўртасида энг кўп — 40,4 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб беришди. Свердлов номли колхоз аъзолари эса давлатга 37,1 тонна «оқ олтин» сотдилар.

Умуман 10 сентябрда район хўжаликларида 198 тонна пахта терилди. Пахтазорларда 5165 нафар теримчи самарали меҳнат қилди.

Район хўжаликларида машина теримига ҳам қизғин тайёргарлик кўриляпти. Кўпгина колхоз ва совхозлар ғўзани иккинчи дефолиация қилишни ҳам тугаллашди. Ҳозиргача район бўйича пландаги 2900 ўрнига 4272 гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди.

ВЕТЕРАНЛАР ҲИММАТИ

БЎКА. Бўка посёлкаси пенсионерларининг ташаббуси райондаги барча уруш ва меҳнат ветеранлари, уй бекалари томонидан қизғин қўллаб-қувватланяпти. Район маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионерлар ҳам пахта йиғим-теримида ўғил-қизларига яқиндан ёрдам беришга отландилар. Улуғ Ватан уруши ветерани А. Бобоев бошлиқ 40 пенсионердан иборат бригада шу кунларда Ҳамза номли колхоз аъзоларига ҳосил теримида қўлларидан келганча ёрдам кўрсатмоқда. Ўтган куни бригада етакчиси 60 килограмм пахта терди. Улуғ Ватан уруши ветеранлари А. Олимбеков ва С. Каримов, 74 ёшли отахон Ҳ. Йўлдошевлар хирмонга 30—40 килограммдан пахта топширишди. Пенсионерлар бригадаси коллективи мавсум давомида 40 тонна пахта териб беришга аҳд қилган.

ПАХТАКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ОҚҚЎРҒОН. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари пахтакор ва механизаторларга бевосита далаларда хизмат кўрсатиш учун иккита кўчма комплекс ташкил этишди. Бу комплекслар тикувчилар, суратчилар, этикдўзлар, сартарошлар ва бошқа маиший хизмат ходимлари бор. Ўтган куни кўчма комплекслар биттаси «Ленинобод» колхози далаларида бўлиб, йиғим-теримда иштирок этаётганларга хизмат кўрсатишди. Иккинчи комплекс коллективи эса Сегизбоев номли совхоз пахтакор ва механизаторларига буюртмаларини бажарди. Дала меҳнаткашлари тикувчилар М. Тен, М. Сайдалиева, сартарошлар Т. Ҳусанов, С. Жумабоев ва бошқаларнинг хизматидан мамнун бўлишмоқда.

Умуман, ҳозир район қишлоқ аҳолисига комбинатнинг 24 та маиший хизмат кўрсатиш пункти коллективлари хизмат кўрсатишаяпти.



Бу йил Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари мўл ва эртаки ҳосил етиштирдилар. Ҳўжаликда пахта терими кун сайин авжига чиқаяпти. Айниқса Мирзаахмад Ҳожибоев бошлиқ бригада аъзолари пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Улар ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида ҳар гектардан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Сур атларда: бригаданинг чевар теримчилари Гавҳар Юсупова ва Гулнора Шокаримовалар. Улар кунига хирмонга 130—140 килограммдан пахта териб тўкишяпти.

А. Абалян фотолари.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР СТАРТДА

ЧИНОЗ районн пахтакорлари машина терими — иш унуми эканлигини яхши биладилар. Ҳозир пахтазорларда «зангори кема»ларга кенг иш фронти яратиш учун кураш қизғин тус олиб кетди.

Ҳар бир машина икки сменада ишлаши учун малакали механик ҳайдовчилар билан таъминланган. Районнинг 3 нафар механик-ҳайдовчиси 300 тоннадан ошириб, 100 нафар механик-ҳайдовчиси эса 150—200 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олди.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова бу йил ҳам 450 тонна пахта териб беришга аҳд қилди. Охунбобоев номли колхоздан М. Турсунов, Н. Сандов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан А. Алиханов, А. Умаров, К. Маркс номли колхоздан А. Собиров, «Қизил Октябрь» колхозидан Э. Очилов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан республикада хизмат кўрсатган механизатор В. Н. Бибаров, Навоий номли колхоздан М. Шоёқубов ўртоқлар машина теримида карвонбоши бўлишга, мавсум нормаларини 1,5—2 баравар ошириб адо этиб, КПСС XXVI съездн ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга бел боғладилар.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

ПАХТА ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район-лар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун—мав-сум бошидан бери йиллик пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида.

Янгийўл	0,62	3,52	Ўрта Чирчиқ	0,13	0,65
Пискент	0,52	3,18	Коммунистик	0,10	0,34
Бекобод	0,49	2,52	Ғалаба	0,06	0,26
Оққўрғон	0,41	2,02			
Чиноз	0,40	1,83	Область бўйича:	0,35	1,65
Бўка	0,49	1,55			

Л. И. БРЕЖНЕВ М. ЯГЕЛЬСКИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 11 сентябрь куни Кремлда ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Ягельскийни қабул қилди.

Суҳбат давомида СССР билан ПХР ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари тўғрисида гап борди. Ҳозирги шароитда икки томонлама асосда ҳам, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасида ҳам Совет—Польша иқтисодий ҳамкорлиги самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш айниқса муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ТАШАББУСКОР БРИГАДА

ТАМАРА Жўраева мастерлик қилаётган 1-комсомол-ёшлар бригадаси Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ташаббускор коллектив сифатида донг таратган. Бригада ёшлари мамлакатимиз ва партиямиз тарихидаги буюк саналарни муносиб кутиб олиш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқишди.

КПСС XXVI съезди чақирилиши ҳақидаги хушхабар коллективда яна бир ташаббусни юзага келтирди. Комсомол-ёшлар келгуси йилнинг икки ойлик ишлаб чиқариш планини мамлакатимиз коммунистларининг ана шу улкан анжуманн очиладиган кун — 23 февралгача бажаришга аҳд қилдилар. Уларнинг бу ватанпарварлик ҳаракати корхона кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш цехи маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан маъқулланди ҳам да кенг ёйиш учун тавсия этилди. Цехнинг қатор бошқа бригадалари ҳам бу ҳаракатга қўшилдилар.

Айни вақтда цех ишчиларн ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришяпти. Унда Тамара Жўраева бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси пешқадам бўлиб, ҳар сменада нормани 115—120 процент бажаряпти. Шунингдек, мастерлар Ваҳоб Назаров, Людмила Мосвичева, Татьяна Кочетова, Раис Муҳаммадиновларнинг сменалари коллективлари ҳам яхши натижаларга эришишяпти. Шунинг учун цех бўйича маҳсулот реализация қилиш плани мунтазам ортиги билан адо этилаяпти, меҳнат унумдорлиги жадал оширилмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 7,3 процент, иккинчи кварталда эса 6,2 процент ортди. Коллективнинг июль—август ойларидаги меҳнати натижаси ҳам баракали бўлди. Бракнн камайтиришда ҳам силжиш бўяяпти. Ҳозирги вақтда брак миқдори ўтган йилдагига нисбатан саккиз процент камайди.

Бу йил цех коллективи учун яна бир кувончли воқеа бўлди. Ишчилар қўлидан чиқаётган айрим маҳсулот турлари давлат Сифат белгисини олди. Коллектив қошнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун прогрессив технология, илғор иш усулларини кенг жорий қилиш режаларини тузиб, уларни амалга оширмоқда.

Цехда беш йиллик шахсий нормасини бажарган ишчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 50 га яқин ишчи келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Улар орасида токарь Юрий Касадкин, слесарь Элдор Сафин, эмал сири тайёрловчи Акбарали Пиримқулов, рассом Азиза Ҳожиматова ва бошқалар бор. Бу пешқадам ишчилар цехда «Ўз касбининг моҳири» шиори остида ўтказилган конкурсда ҳам голиб чиқишди. Ўнлаб металлургнлар москвалик илғор саноат корхоналари коллективлари чақирнгига қўшилиб, янги меҳнат марраларини белгилашди. 63 ишчи Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига йиллик нормани бажариш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда.

А. БЕРДИМУРОДОВ,
ТошДУ студенти.

ЧОРВАДОР МИНБАРИ

ҚИШЛОВНИ ЎЙЛАБ...

КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш ҳақидаги қарори сут-товар фермамиз коллективини янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантирмоқда. Соғувчиларимиз ва молбоқарларимиз, озуқа етиштириш бригадасининг аъзолари тарихий сана шарафига юксак социалистик мажбурият қабул қилишиб ўзаро меҳнат беллашувини қизғитиб юбордилар.

Икки бошида давлатга 485 тонна сут, 18 тонна гўшт сотишга, ҳар бош сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олишга, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 500 килограммга етказишга аҳд қилган бўлсак, съезд шарафига ҳар бош сигирдан 4000 килограммдан сут соғиб олиш, моллар вазнини эса 550 килограммга етказиш учун, аввало, сут соғувчилар, молбоқарларнинг фермада маданий дам олишларини намунали ташкил этдик. Улар учун кунига бир маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Махсус хонага телевизор ўрнатилди. Дам олиш хонаси ташкил этилди. Шу жойнинг ўзида газета ва журналларнинг янги сонлари келтириладиган бўлди.

Сигирлар маҳсулдорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. 195 бош соғин сигир тўйимли рацион билан боқилмоқда. Ферманинг 10 нафар молбоқари ташаббус кўрсатиб меҳнат қиляпти. Ўринбосар Жонбўсинов, Маннон Нуроқов, Алдиёр Эгамбердиев, Нишонбой Бегматов каби молбоқарларнинг иш тажрибаси ҳаммага намуна. Улар ҳар бош сигирга кунига 20 килограммдан барди, 40 килограммдан кўк беда, 3 килограммдан аралаш ем бермоқдалар.

Колхознинг И. Умаров етакчилигидаги қурилиш бригадаси аъзолари очиқ майдонларга замонавий охурлар ўрнатдилар. Хўжалик маъмуриятн ва партия ташкилоти фермани тартибга келтиришда бизга катта ёрдам бераётир.

Кўрилган тадбирлар зое кетмади. Ферманинг Б. Жонбўсинова, Т. Нуроқова, П. Эгамбердиева каби илғор сут соғувчилари ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини анча кўпайтиришдилар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача сигир бошига 2600—2700 килограммдан сут топширишдилар. Ферма бўйича шу кунгача 260 тоннадан зиёд сут етиштирилди.

Чорва қишловига тайёргарлик ишларини ҳам қизғин давом эттирмоқдамиз. 75 гектар майдондаги беданнинг бешинчи ўримини тугаллаяпмиз. Озуқа жамғариш бригадаси гектар бошига 4000 центнердан кўк масса йиғиб олмоқда. Шунингдек, 1400 тонна сенаж, 1000 тонна силос, 50 тонна витаминли ўт талқони жамғаришга эришдик.

З. ҲОШИМБЕКОВ,
Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози сут-товар фермасининг мудири.

„ЗАНГОРИ КЕМАЛАР“ ШАЙ

◆ ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИГА КЕНГ ИШ ФРОНТИ
◆ 92 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛ МАШИНАЛАРДА
◆ ИЛҒОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР ДАЪВАТИ
◆ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА КЕНГ ЙЎЛ
◆ ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕР.

ДЕҲҚОННИ ҳам ташвишлантириб, ҳам қувонтирадиган дамлар келди. Бепоён пахтазорлар оқ либосга бурканди. Бўлиқ чаноқларда дўппи бўлиб очилган дастлабки дурдоналар тарози палласига тушди.

— Даладаги ҳосил чўғига маҳлиё бўлиб, ҳамма иш битди, буёғини дўндирамиз, деган деҳқоннинг дарда қолиши ҳеч гап эмас, — дейди Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси Хўжа Нўсиров. — Енг шимариб, астойдил ишга киришадиган пайт энди бошланди. Пахта йиғим-теримини гоят уюшқоқлик билан ўтказиб, бир грамм ҳам ҳосилнинг ерда қолиб кетишига йўл қўймаган деҳқоннинг хирмони баракали, юзи ёруғ бўлади.

Тўғри фикр. Ҳосил мўл бўлгани билан тез ва соз йиғиштириб олинмаса, хирмоннинг баракаси учади. Бунинг учун машина теримига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, агрегатларнинг икки сменада юксак унум билан ишлашлари учун уларга кенг иш фронти яратиб бериш лозим бўлади.

«Ленинобод» колхози правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари йиғим-терим ишларини ана шундай план асосида уюштирмоқдалар. Машина теримини мумкин қадар тезроқ ва оммавий бошлаб юборишдек мақсадларида далаларни қисқа муддатда сифатли тайёрлашга қизғин киришилди. ОВХ-14 трактор аппаратларида дори сепиладиган майдонларда карта четлари десикация қилиниб, пахтаси ёппа очилгач териб олинмоқда ва ғўзапояси юлиб ташланиб, текисланмоқда. Шу кеча-кундузда битта грейдер, 4 та бульдозер, 2 та ҳайдов тракторлари тўхтовсиз ишлаб, карта четлари ва ўрталаридаги ўқариқларни, терим машиналари айланадиган жойларни сифатли текислаётир.

Хўжалик механизаторлари машина теримини уюштириш борасида яхши тажриба орттиришган. Айниқса, ўтган йили терим агрегатларини тез ва соз ишлатишда намуна кўрсатишди. Колхоз халқ хўжалик планини районда биринчилар қатори бажарди. Етиштирилган ҳосил қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиштириб олингани учун ҳосилдорлик аввалги йиллардагидан кескин ортиб, 40 центнерлик маррадан ўзиб кетилди.

Механик-ҳайдовчилар ипатоволиклар методини қўллаб, йиғим-теримни далабункер-тележка — қабул пункти усулида бошлаб юборишга шай бўлиб турибдилар. 17 та «зангори кема»ни икки сменада тўхтовсиз бошқариш учун 36 та малакали механик-ҳайдовчи тайёрланган. Терим агрегатлари бункеридаги пахта 40 та тележкага пешма-пеш бўшатилиб, 11 та транспорт трактори билан қабул пунктларига ташиб турилади. 2 та кўчма устахона, 2 та автозаправка ҳар куни терим пайтида далада бўлади.

Бу йил дала гвардиячилари етиштирилган жами ҳосилнинг 92 процентини машиналарда йиғиштириб олишни планлаштиришган. Бунинг учун «зангори кема»лардан ташқари 6 та кўсак чувийдиган машина ҳамда 6 та пахта юклайдиган мослама тайёрлаб қўйилган.

Колхоз пахтазорларида етиштирилган мўл ҳосил барчани қувонтирмоқда. Айниқса, теримнинг бошланишини сабрсизлик билан кутаётган механик-ҳайдовчилар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишиб, норатли ташаббус билан чиқмоқдалар. Жумладан, хўжаликнинг тажрибали механик-ҳайдовчиси А. Тўрақулов мавсумда 260 тонна пахта теришга аҳд қилиб, ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб берди. Ҳамкасбини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган Ҳ. Раҳмонов ўз агрегати бункеридан 200 тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берди. Ж. Байрамов, Н. Боймирзаев, Э. Тонготаров, М. Ҳакимовлар 180 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган механик-ҳайдовчилар, транспорт-тракторлари ҳайдовчилари ва барча колхозчиларнинг бутун мавсум давомида кўтаринки руҳ, яхши кайфият билан меҳнат қилишларини таъминлаш учун социалистик мусобақанинг конкрет шартлари ишлаб чиқилган. Меҳнат беллашувига ҳар беш кунда якун ясаб борилади. Бригада коллективлари учун кўчма Қизил байроқ, механик-ҳайдовчилар учун кўчма вимпел ва пул мукофотларидан ташқари мавсум давомида қимматбаҳо ва эсдалик совғалари уюштириб турилади.

Социалистик мусобақанинг самараси унинг таъсирчанлиги ва ошкоралигига боғлиқ. Колхоз партия ташкилоти бу масалани ҳам ҳисобга олган. Мусобақа натижалари «Пахтакор» девориЙ газетаси ва «Жанговар варақа» саҳифаларида, «Ҳурмат тахтаси»да акс эттириб борилади. Илғорлар тажрибаси ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилиб, қолоқлар танқид остига олинади.

«Комсомол прожектори» ходимлари, айниқса, қизғин фаолият кўрсатадилар. Улар биринчи галда ҳосилнинг нобуд бўлмаслиги, йиғим-терим ишлари ва пахтанинг сифати учун курашадилар. Мусобақа голибларини аниқлашда «Комсомол прожектори» ходимларининг фикр-мулоҳазалари, албатта, ҳисобга олинади.

Колхоз аъзолари ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш, якуловчи йилда ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, она-Ватанга 3700 тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилишган. Улар ғўза барглари текис тўкилиб, ҳосилнинг асосий қисми очилгач, машина теримини бошлаб юбориш учун шай бўлиб турибдилар.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Тошкент ГРЭСи коллективи КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, йил охиригача қўшимча 40 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун курашмоқда. Ушбу суратда мусобақа голибларидан катта машинист В. Загвоздин (чапда) ва энергоблоклар қузатувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Е. Каримовларни кўриб турибсиз. Улар меҳнатда касбдошларига намуна бўлиб, коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

КИРОВ РАЙОНИ ПЕДАГОГИК КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ҲАЁТБАХШ ЧАҚИРИҚ

«БИЗ МОСКВА ШАҲАР ИЛҒОР ПЕДАГОГИК КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ «ҲАР БИР МАКТАБ ЎҚУВЧИСИНИ КОММУНИСТЧАСИГА ЎҚИШ, ЯШАШ ВА ИШЛАШГА ЎРГАТАЙЛИК!» ДЕГАН ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАБ, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ЎҚИТУВЧИЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИБ, УЛАРНИ «ҲАР БИР МАКТАБ ЎҚУВЧИСИГА ЧУҚУР ВА ПУХТА БИЛИМ БЕРАЙЛИК, УНИ ҲАЁТДА АКТИВ ПОЗИЦИЯДА ТУРИШГА ЎРГАТАЙЛИК» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИДА ТУРИШГА ДАЪВАТ ҚИЛАМИЗ».

(Тошкент шаҳар Киров районидаги ўқитувчиларнинг республика халқ маорифи барча ходимларига мурожаатидан).

ОБЪЕКТЛАР МУДДАТИДА ИШГА ТУШИРИЛСИН

ОБЛАСТИМИЗНИНГ қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маълум муваффақиятларга эришдилар.

Уларнинг фидокорона ва жадал меҳнати натижасида шу йилнинг ўтган саккиз ойида Олмалиқ химия заводида минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ва Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватлар ишга туширилди. Августда мамлакатимизда йирик, жаҳон ишлаб чиқариш технологияси практикасида янги ҳисобланган технология билан ишлайдиган комплексда капролактам олинди. Шунингдек, қатор чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектлари қуриб битказилди.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойида асосий фондларни ишга тушириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123, турар-жойларни фойдаланишга топшириш эса 122 процентни ташкил этди.

Областнинг айрим қурилиш-монтаж трестлари бўйича пудрат ишлари планини бажариш қуйидагича бўлди:

Трестларнинг номи	1980 йилнинг январь—август	1980 йилнинг январь—августида 1979 йилнинг январь—август ойларига нисбатан
Алмаликсвинецстрой	106	102
Узбекшахтострой	104	97
6-қурилиш трести	89	94
Узбекметаллургстрой	101	99
160-қурилиш трести	135	87
Алмаликгрsuperадстрой	88	—
23-қурилиш трести	105	105
Ташоблсельстрой	99	97
Ташкентводстрой	100	98
Ташоблмелиоводстрой	104	100
Промжилводстрой	86	106
Паркентводстрой	104	104
Ташоблколхозстрой	104	104

Айрим қурилиш ва монтаж ташкилотларида, буюртмачи корхоналар ва ташкилотлар ишида ҳануэгача жиддий нуқсонлар тугатилгани йўқ ва булар капитал қурилиш бўйича асосий кўрсаткичлар планини бажаришга салбий таъсир этди. Жумладан, «Узбекметаллургстрой» трести пудрат ишлари бўйича умумий ҳажм планни ошириб бажаргани ҳолда Узбекистон металлургия заводи объектлари қурилишида планни бажармади. 6-қурилиш трести «Пепси-кола» ичимлиги ишлаб чиқариш цехи қурилишида, Кучлик ва Тошкент нефть базалари қурилишида сезиларли оқсамоқда.

Айрим қурилиш ташкилотлари давлат капитал маблағларини ҳисобига 91 процент бажарди.

Областнинг қатор шаҳар ва районларида асосий ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришга ҳозирги шароитдаги унинг конкрет намуналарини кўришга ёрдам беради.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари, буюртмачи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари юқорида таъкидланган ва бошқа камчиликларни тезлик билан тугатишлари, қолоқликнинг сабабларини ва резервларни излаб топиб, тўққиз ойлик якунлар бўйича бирон ҳам қолоқ коллектив бўлмаслиги тадбирларини кўришлари зарур.

Партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга, ишга тушириладиган объектларга ишчи ва материал ресурсларини жамлашга эътиборни кучайтиришлари зарур. Токи, иложи борича қисқа муддатда бу объектлар тўла қувватини ўзлаштириш ва қўшимча маҳсулот олиш мумкин бўлсин.

Шунингдек, қурилиш ташкилотларида интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, ишчи кучи ва материал ресурсларидан тўғри фойдаланишга раҳбарлар талабчанлигини оширишга жиддий эътибор бериш зарур. Шу йилнинг сентябрида ўтган давр ичида турар-жой, болалар муассасалари, саёлхона ва поликлиникалар ва бошқа социал вазифали объектларни қуришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, уларнинг ўрнини тўлдириш чораларини кўриш керак. Бунинг учун ишга тушириладиган объектларга ресурсларни жамлаш, хўжалик ҳисоби пудрати ва бошқа илғор усулларни қатъият билан жорий этиш лозим.

Буюртмачи корхоналар ва ташкилотлар эса ускуналарни монтажга топширишни тезлаштиришлари, уларни монтаж қилишга, соэлаш ва технология режимига туширишга қўшилишлари керак.

Қурилиш бўйича шаҳар ва район штаблари қурувчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун шароитлар яратишда хўжалик раҳбарларига янада кўпроқ ёрдам кўрсатишлари зарур, токи пландаги барча объектлар муддатида ва юксак сифат билан фойдаланишга топширилсин.

Ҳар бир меҳнат коллективи «Муддатида қурамиз — муддатида ўзлаштирамиз!» шиори остида меҳнат қилиши зарур.

ЗАМОН ТАЛАБИ

Кейинги йиллар ичида республикамизда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, уни ҳар томонлама билимли, меҳнатсевар, халқимиз ишига жонкуяр қилиб тарбиялаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилянти. Ўқиш ва ўрганиш учун барча қулайликлар яратилган мактаблар, устахоналар, клублар, пионерлар саройлари, дам олиш зоналари ҳамиша ўқувчилар ихтиёрида.

Энди гап ана шу бор маънавий манбалардан тўла ва унумли фойдаланишда, ўқувчиларга кўпроқ ва пухтароқ билим беришда. Мен шаҳримиздаги Киров райони педагогик коллективларининг республикамиз барча ўқитувчиларига мурожаатини ўқиб чиқдим ва шундай хулосага келдим.

Узбекистон Компартиясининг Марказий Комитети маъқуллаган бу даъватномада совет педагоги бажариши керак бўлган барча вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Киров район маорифчиларнинг ватанпарварлик ташаббуси таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришда, ўқувчиларга билим бериш ва уларни тарбиялаш сифатини оширишда, болаларни актив меҳнат ва жамоат фаолиятига тайёрлашда гоят муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Мен бу мурожаатга тўла қўшиламан ва бундан буён ўзим дарс бераётган мактабда рус тили фанини ўқитиш ҳамда ўргатиш даражасини ошириб боришга интиламан. Улуғ доҳий тилининг ёшлар онгига сингдириш ҳамда бу тилга уларда меҳр-муҳаббат уйғотишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

М. САМАДОВА,
СССР Олий Совети депутати, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 115 мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси.

БИЗ ҲАМ ҚЎШИЛАМИЗ

Бу йил сентябрь тонгининг шукуҳи ўзгача бўлди. Янги ўқув йили жўшқин кайфият, кўтаринки руҳ билан бошланди. Яхши дам олган, дала ва фермаларда ота-оналарига ёрдам кўрсатиб, қадрдон мактаблари қучоғига қайтган болалар тўла жиҳозланган кабинетлар ва лабораториялар, ўқув ишлаб чиқариш участкаларида яна машғулотларга беридилар.

Тошкент шаҳар Киров районидаги умумий таълим мактаблари педагогик коллективларининг «Ҳар бир мактаб ўқувчисига чуқур ва пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туришга ўргатайлик!» деган шиори ўқитувчиларимизнинг ижодий гайратига гайрат қўшди.

Мурожаатда ёшларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш, ижтимоий меҳнатга тайёрлаш мавзулари алоҳида қайд этилган. Биз бу борада бирмунча тадбирларни белгилаб олдик. Интернационал дўстлик клуби ишини янада жонлантирамиз, мактабимизда социалистик тараққиёт йўлидан бориб, катта муваффақиятларни қўлга киритаётган мамлакатлар ҳаётига бағишланган кечалар ўтказиб борилади ва деворий газеталар чиқарилади.

Ўзимиз яшаб турган «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхози билан алоқани янада мустаҳкамлаб ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш учун бор имкониятларни ишга соламиз.

У. МАҲКАМОВ,
Тошкент районидаги Энгельс номли 27-ўрта мактаб директори.

МУРОЖААТ РУҲЛАНТИРМОҚДА

Пойтахтимиз Киров райони ўқитувчиларининг «Ҳар бир мактаб ўқувчисига пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туришга ўргатайлик» шиори остидаги чақириқларини областимиз маориф ходимлари зўр мамнуният билан қарши олдилар. Улар ҳозир ана шу мурожаат асосида ўзларининг ишларини қайтадан кўриб чиқиб, ёш авлодни интернационализм, Ватанга ва партия ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор бераётирдар.

Бу йил мактабларнинг ва бошқа тарбия муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Устахоналар, лабораториялар қайта жиҳозланди. Янги қурилган 17,8 минг ўринли мактаб ва қўшимча синф хоналарда ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шароитлар яратилди. Областимиз мактабларида янги ўқув йилида 7713 ўқув кабинети, 2382 ўқув устахоналари ишламоқда. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш жараёнида улардаги кабинетлар ҳамда устахоналарни жиҳозлаш учун мўлжаллаб маблағлар билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 1 миллион 498 минг сўм, парталар ва бошқа инвентарлар сотиб олиш учун 1 миллион 886 минг сўм сарфланди.

Кейинги йилларда қишлоқ мактабларини етук кадрлар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилаяпти. Ҳозирги кунда областда 26 мингдан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатаётган бўлса, бу йил мактабларда ишлаш учун ёш мутахассислардан 1528 нафари жалб этилди. Шулардан 1200 ўқитувчи қишлоқ мактабларига юборилди.

Областимиз педагоглари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи ўқув йилида ўқитувчилик бурчларини шараф билан бажаришга ҳаракат қиладилар. Кировликларнинг ташаббусларидан руҳланган ҳолда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаб КПСС XXVI съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар.

С. СОБИТОВ,
Область халқ маорифи бўлимининг инспектори.

1985 ЙИЛ ҲИСОБИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг пешқадам корхоналаридан бири бўлган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида 17 миллион донадан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимларни ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Чеварлар ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида социалистик мусобақани тобора авж олдиришяпти.

Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган ўнлаб трикотажчилар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормасини бажаришга аҳд қилган илғорлар ҳаммага ўрнак бўлишяпти. Улар орасида айниқса, Шоира Ҳолмуҳамедова унумли ва сифатли меҳнат қилмоқда. Жонкуяр ишчи, ташаббускор коммунист ўз ваъдасининг устидан чиқиб, ҳар сменада нормани икки баравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда. Унинг меҳнат календарида 1985 йилнинг иккинчи ярми бошланганига анча бўлди. Донгдор чеварга тенглашиш учун фидокорона меҳнат қилаётган Мастура Қодирова, Соня Ягудина, Анна Васильева, Саида Абдувалиева, Лариса Юдаева ва бошқалар топшириқни икки баравар атрофида адо этишмоқда. Бу моҳир чеварлар ҳам шу кунларда ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот беришяпти. Илғорлар КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракатда ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Бу пешқадамларнинг унумли ва сифатли меҳнати туфайли шу йилнинг ўтган ойларида маҳсулот реализация қилиш плани анча ортиғи билан адо этилди.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТ грампластинкалар заводи коллективи ҳар йили 23 миллион дона грампластинкалар ишлаб чиқаряпти. Завод маҳсулоти Ўрта Осиё республикаларига, Қозоғистонга, Узоқ Шарқ, Сибирь ва бошқа ўлкаларга юборилмоқда. Суратларда: гальваника цехининг илғор смена мастери Валентина Башкирова ва ветеран токарь Саидазим Эшонхўжаевлар иш устида.

И. Глауберзон фотолари.

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ

Коммунистик партия ҳамма вақт конкрет тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, муайян вазифаларни олдинга қўйиб келади, ўз раҳбарлигининг форма, метод ва усулларини шунга мувофиқ равишда такомиллаштириб, бойитиб боради. КПСС фаолиятининг услуби шу тарзда таркиб топди. Унинг шаклланиши партиямизнинг асосчиси ва доҳийси В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир.

Бундай услуб марксча-ленинча таълимотдан, Коммунистик партиянинг тарихий тажрибасидан келиб чиқади. У фаолиятнинг ленинча методини, партия ва давлат ишларида ленинча усулларнинг йиғиндисини ўзида акс эттиради.

Ленинча услубнинг энг муҳим белгилари партия съездларининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида, КПСС нинг бошқа ҳужжатларида, шунингдек, Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, А. П. Кириленко, К. У. Черненко ҳамда партия ва Совет ҳукуматининг бошқа раҳбарлари нутқларида ривожлантирилди ва бойитилди. Уларда ленинча иш услубининг моҳияти ҳар томонлама очиб берилган, унинг турли қирралари, энг муҳим белгилари таъкидланган, ленинча назарий меросни чуқур ўрганиш вазифаси қўйилган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» эсдаликлари — бу аслида амалдаги ленинча услубдир, турли вазиятларда чинакам партиявий услубнинг ранг-баранг намунасидир.

Партия ҳужжатлари, КПСС раҳбарларининг нутқлари ленинча услуб моҳиятини яхшироқ тушунишга, ҳозирги шароитдаги унинг конкрет намуналарини кўришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига ҳисобот докладида ленинча иш услубига чуқур илмий характеристика берилган. Унда айтилишича: «Ленинча иш услуби субъективизмга ёт бўлган, барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашиш руҳи билан сугорилган ижодий услубдир. Бу услуб ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни кўзда тутади, хотиржамликка берилишга йўл қўймайди, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига зиддир».

Партия ва давлат ишида ленинча услубнинг муҳим хусусиятлари энг аввало қуйидагилардан иборат: партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга илмий, системали ёндашиш, назария ва амалиётнинг, сиёсий ва ташкилотчилик ишининг бирлиги; революцион фаолиятни коммунистик ишчанлик билан қўшиб олиб бориш; ижодий ёндашиш, янгиликни ҳис қилиш; қарорларни қабул қилиб, уларнинг ижро этиш ва контроль қилишни қўшиб олиб бориш; коллектив ишни шахсий масъулият билан қўшиб олиб бора билиш; танқид ва ўз-ўзини танқид усулидан моҳирона фойдаланиш; оддийлик ва камтарлик, хушёрлик ва одамларга нисбатан сезгирлик; омма билан алоқани мустаҳкамлаш қобилияти.

Ленинча услубнинг юқорида айтиб ўтилган ҳар бир белгиси изчил характерда бўлиши билан бирга айни вақтда бойитилиб, КПСС нинг, унинг Марказий Комитети, маҳаллий партия ташкилотларининг назарий ва амалий фаолияти жараёнида конкрет тарихий шароитларда янги мазмун билан тўлдириб борилмоқда. Винобарин, ленинча услуб бутун бир умрга тайёрлаб қўйилган универсал рецептлар йиғиндиси эмас. Бундай рецептлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ленинча услуб — бу жонли, ижодий услубдир, унинг заминида материалистик диалектика ленинизмнинг революцион руҳи ётади.

В. И. Ленинниинг бутун фаолияти марксча назарияни революцион практика билан қўшиб олиб боришнинг ажойиб намунасидир. Бундай ижодий ёндашиш В. И. Ленинга, барча марксистларга доим ёрдам бериб келди, уларга дадил, чуқур илмий асосланган хулосалар чиқариш, келажакка ишонч билан қараш, муҳим вазифаларни биринчи планга қўйиш имконини берди.

В. И. Ленин марксизмга ҳамавақт ижодий ёндашишга, бу таълимотни ривожлантириб, конкрет шароитларда уни қўллай билишга чақирди, марксизм методидан фойдаланиб, ҳар қандай шароитда вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, тўғри хулосалар чиқаришга ундади. В. И. Ленин илмий фикрни ижтимоий практика билан изчил боғлаб олиб бориш, идеология ва ташкилотчилик ишининг бирлиги зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, раҳбарликнинг муваффақияти, кадрларнинг амалий фаолияти самарали бўлиши уларнинг ғоявий даражаси, сиёсий чиниққанлиги ва назарий билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун КПСС ҳар бир коммунист марксча-ленинча назарияни изчил равишда ва чуқур ўрганишини, ўз ғоявий-назарий савиясини қатъият билан ошириб боришини талаб қилади. Бу барча коммунистларнинг энг биринчи даражали бурчи, уларнинг Уставда кўрсатилган вазифасидир.

Сиёсий ва ташкилотчилик ишини бирга қўшиб олиб бориш чинакам партиявий усулнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки, идеология ишисиз ташкилотчилик иши маъносиздир, ташкилотчилик ишисиз идеология иши эса натижа бермайди. Партия раҳбарлигида «соф» идеологик иш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, худди шунингдек «соф» ташкилотчилик иши ҳам йўқ ва бўлмайди. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғри ва зararлидир. Маълумки, сиёсий йўлланмалар ва қарорлар одамлар онги орқали ўтиб, уларнинг амалий фаолияти натижасида ҳаётга татбиқ қилинади. Винобарин, ҳар бир раҳбар ташкилотчи ва меҳнаткаш омманинг сиёсий раҳбари бўлиши керак.

Коммунистнинг, ҳар бир раҳбар ходимнинг принципиаллиги унинг ғоявий эътиқодига боғлиқдир. Коммунистик партиянинг кучи ва енгилмаслиги ленинча ғоявийлик, ижодий революцион руҳ билан белгиланади. Партия ташкилотлари ҳамма воситалар билан одамлар онгига таъсир қилишга, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга даъват этилганлар. XXV съезд қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ва Коммунистик партиянинг бошқа ҳужжатлари ана шуни талаб қилади.

Владимир Ильич Ленин иш услубининг хусусиятларидан бири революцион фаолият ва жўшқинликни чинакам ишчанлик билан қўшиб олиб бориш эди.

Маълумки, В. И. Ленин ҳаддан ташқари кўп, кунт билан, жиддий ўтириб ишлаган. У ўзига ва ишдаги ўртоқларига қаттиқ талабчан эди. Бунда у бошланган ишни охиригача етказишда намуна кўрсатар, топшириқ ёки қарорларнинг бажарилишини қайта-қайта текширарди.

В. И. Ленинниинг замондошлари унинг юксак даражадаги иш маданиятини таъкидлайдилар. Бу, аввало интизомда, аниқликда, оперативлик, ишчанлик, вақтдан рационал фойдаланишда намоён бўларди. Доҳий кундалик ишда тартибсизлик, эътиборсизлик, бўшашувчанликка қарши қатъий курашар, буларнинг ҳаммасини у маданиятсизлик деб биларди.

КПСС ва унинг Марказий Комитети фаолиятида революцион қўламнинг қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги ишчанлик билан моҳирона қўшиб олиб борилиши яққол кўринади. Бу истиқболни кўра билишда, ривожланиш йўлларини аниқлаб олишда, ҳаракатнинг илмий асосланган программасини белгилашда намоён бўлмоқда. Партия ўзининг қаҳрамонона тарихининг барча босқичларида улкан вазифаларни олдинга қўйди ва уларни амалга ошириш учун меҳнаткашлар оммасини жалб этди. Шу билан бирга улкан ишларни партиямиз ҳамма вақт ишчанлик билан, мақсадга эришишдаги қатъиятлик билан қўшиб олиб бормоқда. КПСС XXV съездининг ҳужжатлари ва материаллари, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва Секретариатининг мислсиз катта фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

КПСС меҳнаткашларни ва аввало, коммунистларни эришилган муваффақият билан чекланиб қолмасликка, ҳамиша олга боришга, каттароқ зафарлар қучишга чақиради. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида таъкидланганидек топширилган иш учун юксак масъулият ҳисси етишмайдиган айрим раҳбарлар ҳам бор. Улар фаолият кўламини ишчанлик

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида область меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш 1,7 мартага ўсди. Киши бошига маиший хизмат кўрсатиш 7 сўм 59 тийинга кўпайди.

Ўнинчи беш йилликда маиший хизмат корхоналари моддий-техника базасини ривожлантиришга 4 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. 34 объект, шу жумладан 8 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, кийимларни кимёвий тозалаш фабрикаси, иккита ҳаммом-кир ювиш комбинати фойдаланишга топширилди. Шунингдек, областдаги колхозлар ва совхозлар томонидан ажратилган биноларда 11 та маиший хизмат кўрсатиш уйи ва 106 та комплекс қабул пунктлари ташкил этилди.

1976—1979 йиллар ичида шаҳар ва район ижроия комитетлари томонидан 3,3 минг квадрат метр жой маиший хизмат корхоналари ихтиёрига берилди.

Шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки, янги биноларни фойдаланишга топшириш муносабати билан меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш хиллари кўпайтирилиб, форма ва методлари такомиллаштириб борилмоқда. Ҳозир 140 хилдан ошиқ маиший хизмат тури қўлланмоқда. Шунингдек, 200 та моделли тикувчилик ва 150 хил моделли трикотаж буюмлари, 140 хил моделли пойафзал элга армуғон этиляпти. Ўтган давр ичида 1300 дан ортиқ турли технологик ускуналар ўрнатилди.

Турмушимиз фаровонлашган сари элнинг маиший хизматга бўлган талаб ва эҳтиёжи ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олганда область маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишини ҳали юксак даражада деб баҳолаб бўлмайди. Бундай ташкилотлар ишида ҳали қатор камчиликлар бор, айниқса, қишлоқ жойларда кўп юз бермоқда. Айрим шаҳар ва район маиший хизмат кўрсатиш комбинатларининг раҳбарлари ҳар бир комплекс қабул пункти, ателье, цех, устахона ва участкалар иши устидан етарли назорат ўрнатмаганлар. Хизмат кўрсатиш сифати талаб даражасида эмас.

Йилдан йилга белгиланган план ва хизмат турлари бўйича топшириқларни адо этмаётган корхоналарнинг сони кўпаймоқда. Масалан, ўтган йили 7 корхона 683 минг сўмлик кам хизмат кўрсатди. 1980 йилнинг ўтган даври ичида ҳам 6 корхона топшириқни бажармади.

Ўтган йили хизмат хиллари бўйича план уддаланмаган эди. 1980 йилда ҳам шундай аҳвол юз бермоқда.

Кўпгина жойларда прогулга йўл қўйилаяпти. Маиший хизмат корхоналари асосан соат 9 дан 18 гача ишлайди. Бу эса халққа хизмат кўрсатишда маиший хизмат корхоналари иш режимини такомиллаштириш лозимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Область ижроия комитети йиғилишида маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридаги қатор камчиликлар танқид қилинди ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди.

МУҲИМ КАМПАНИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

Область ижроия комитети йиғилишида қўйчиликни ривожлантириш ва унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар қилинаётганлиги таъкидланди. Кейинги вақтларда наслчилик ишлари бир мунча яхшиланди. Қўйларни боқиш ва парвариш қилишда қатор прогрессив технология жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси эса қўйчилик хўжаликларида самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада совлиқлардан эгизак қўзилар олинмоқда ва отарларнинг сони кескин кўпаяяпти.

Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхозида ишни тўғри ташкил этиш туфайли 1980 йилда ҳар юз совлиқдан 114 тадан, Тошкент районида 120 тадан, Бўка ва Чиноз районларида эса 111 тадан қўзи олишга муваффақ бўлинди.

Областимиз хўжаликларида совлиқларни эрта қочиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 1979 йилда 70 минг совлиқ барвақт ва сунъий қочирилди.

Шу билан бир қаторда қатор районлар ва хўжаликларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаяпти. 1979 йил Паркент ва Бўстонлиқ районларидаги хўжаликларда қатор камчиликларга йўл қўйилди. Оҳангарон районидаги «Оҳангарон», «Ангрен», «Октябрь» ҳамда Серго номли совхозлар, Бўстонлиқ районидаги Калинин номли, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», «Қизил ту» колхозлари, Паркент районидаги Охунбобоев ва У. Юсупов номли совхозлар, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс ва А. Икромов номли колхозлар, Бўка районидаги «Ленинизм» колхозида ҳам талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Мазкур хўжаликларда бу йил ҳар юз совлиқдан 70—100 тадан қўзи олинди, холос.

Областимиздаги баъзи хўжаликларда янги мавсумга тайёргарлик яхши олиб борилаяпти деб бўлмайди. Область бўйича яна 8 та сунъий қочириш пунктларини ташкил этиш зарур. Мавжуд пунктларнинг бирортаси ҳам ускуналар билан тўла жиҳозланмаган.

Қатор хўжаликларда техник-осеменаторларнинг муқим ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилмаяпти.

Область ижроия комитети йиғилишида бу муҳим кампанияга тайёргарликни пухта ташкил этиш мақсадида тузилган тадбир тасдиқланди. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» тресті, «Ташоблгосплем» корхонаси ва бошқа масъул ташкилотлар олдига конкрет вазифалар қўйилди.

МУСОБАҚАДОШЛАР

ҒАЛАБА районидаги Солдатский луб заводи коллективи якунловчи йилда зарбдор меҳнат қилаяпти. Корхонада ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Меҳнат беллашувида узун тола ишлаб чиқариш цехининг сараловчиси Маҳмуза Азимова илғорлар сафида бормоқда.

У меҳнат қилаётган цех коллективи зиммага юксак мажбурият олиб ишлаяпти. КПСС XXVI съездига муносиб туҳфа тайёрлашга қарор қилган ишчилар йиллик планни 25 декабрга қадар бажаришни мўлжаллашмоқда.

Чорак асрдан буён шу корхонада ишлаётган Маҳмуза опа эришилаётган ютуқларга муносиб ҳиссасини қўшаётир. У сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича Маҳмуза Азимова корхона миқёсида ўтказилаётган социалистик мусобақа ғолиби бўлди. У область тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союз комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Мукофотдан руҳланган илғор сараловчи кунлик ва ойлик топшириқларини 140—150 процент адо этаётир. М. Азимова КПСС XXVI съезди шарафига ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. 1980 йил планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллик байрамигача, 1981 йилнинг биринчи квартал топшириғини мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжумани очиладиган кун 23 февралга бажаришга аҳд қилган.

Ишчан сараловчининг ташаббусига бошқа ишчилар ҳам қўшилишган. Шулардан бири Феруза Фатхутдинова бўлиб, у ойлик топшириқларни 110—120 процент бажармоқда. Узун тола ишлаб чиқариш цехида меҳнат қилаётган Феруза якунловчи йил топшириғини 1 декабргача бажариш ниятида айни кунларда зарбдор меҳнат қиляпти.

Н. УТЕГЕНОВ,
ТошДУ студенти.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ЭРОН—АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 10 сентябрь. (ТАСС). Эрон бош министри М. А. Ражаи АҚШ давлат секретари Э. Маскининг Америка-Эрон муносабатлари масаласи хусусида ўз номига юборган мактубини Теҳрон радиоси орқали ўқиб эшиттирди. Мактубда, жумладан, «ҳозир иккала мамлакатимиз ўртасидаги мавжуд қийинчиликларни амалий бартараф қилиш учун куч-ғайрат сарфлаш»га даъват этилган.

Қўшма Штатлар Эрон революциясининг реаллигини ва Эрон ислом республикасининг қонунийлигини тан олади...— деб ёзади Маски.

— Мен сизларни ишонтириб айтаманки, Қўшма Штатларнинг Эрондаги ички жараёнларга аралашиш нияти йўқ. Мен ишонтириб айтаманки, биз келгусида Эроннинг мустақиллигига, территориал бутунлигига ва унинг қўшилмаслик сиёсати принципларига ғоят тўлиқ ҳурматимизни намойиш этамиз.

«Мен,— деб ёзади сўнгра Маски,—ўртамизда яхши ҳамжиҳатлик жараёнини бошламоқ учун алоқа ўрнатиладиган мунтазам воситаларни белгилаш фойдали бўлур эди, деб ўйлайман. Ўз томонимдан мен, гарчи жуда эҳтиёткорона бўлса ҳам, АҚШ ва Эрон ҳукуматларининг вакиллари ўртасидаги бевосита алоқаларни афзал кўраман».

Америкадаги ЮПИ ахборот агентлигининг таъкидлаб ёзишича, М. А. Ражаи Маскининг мактубини шарҳлаб, «Қўшма Штатлар ўзининг Эронга қарши жиноятларига пушаймон бўлсин ва кечирим сўрасин», деб талаб қилди. Шунингдек у АҚШ давлат секретарининг жосусликда айбланиб, гаровга ушлаб турилган америкаликларнинг тақдири тўғрисидаги масала хусусида бевосита музокаралар ўтказиш тўғрисидаги ғоясини рад қилди. «Биз Маски билан муросага бормаймиз ёки у билан бирон-бир келишувга рози бўлмаймиз», деди М. А. Ражаи.

САЛЬВАДОРДАГИ АҲВОЛ

САН-ХОСЕ. (ТАСС). Бу ерга етиб келган хабарларга кўра, сальвадорлик қўзғолончилар кейинги кунларда бир неча бор муваффақиятли операция ўтказиб, ҳукмрон хунтанинг Қўшма Штатлар таълимини олган ва унинг қуроли билан таъминланган қўшинлари солдатларига ва техникасига талофот етказдилар.

Миллий қаршилик қуролли кучлари қўмондонлигининг маълумотида айтилишича, Сан-Сальвадордан 20 километр нарида катта операция ўтказилди. Бу қўмондонликнинг вакиллари бирлашган революцион штаб аъзоларидир. Ватанпарварлар ишчи-деҳқон ўз-ўзини мудофаа отрядларининг мадади билан Сан-Мартин посёлкасини ишғол қилдилар, сўнгра посёлканинг жами аҳолиси митингга тўпланиб, қўзғолончиларни табриклади.

Сойапанго районида бўлиб ўтган жанглар давомида қўзғолончилар вертолётлар ва танклардан мадад бериб турилган ҳукумат қўшинларининг бир неча атакасини муваффақиятли қайтардилар. Бир вертолёт ва иккита танк яксон қилинди.

Бунинг устига ҳокимият талашувчи полковниклар ўртасидаги адоват тобора кучайиши натижасида ҳарбий бошлиқлар орасида можаро чиқди.

Миллий қаршилик қуролли кучларининг Сан-Сальвадорда тарқатилган баёнотида хунтадаги жанжал «гориллаларнинг муштлашуви» деб таърифланди. (Лотин Америкасида реакцион ҳарбийлар горилла деб аталади).

Республика «Госкомсельхозтехника»сининг Оққўрғон район бирлашмаси коллективи меҳнатда катта ғалабани қўлга киритди. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш беш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Ўтган давр ичида 1760 та трактор, 1250 та пахта териш машиналари қайта тикланди. Бирлашма ишчи-хизматчилари йил охиригача яна ўнларча минг сўмлик ремонт ишларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ўринбой Абдиев (чапдан), назоратчи механик Александр Белоножко, слесарь Владимир Лешечко ва бош инженер Исабали Гусейнов ўзаро суҳбатлашмоқдалар, бирлашмада ремонтдан чиқарилган пахта териш машиналари.

Ж. Тўраев фотолари.

ОШИРИШНИНГ АСОСИ

билан қўшиб олиб боролмайдилар.

Шундай қилиб ленинча услуб кадрларни чинакам ишчанлик, иш билан сўз бирлиги руҳида тарбиялаш, уларда оқибат натижаларга эришиш учун қатъиятни камол топтиришни назарда тутади.

Партия ва давлат раҳбарлигида коллективлик принципини изчил амалга ошириш ленинча услуб учун характерлидир. Партиямиз доҳийси бу принципга ўзининг бутун ҳаёти ва қизғин фаолияти давомида оғишмай амал қилди. В. И. Ленин Совет ҳукумати ва Коммунистик партия фаолиятига бошчилик қилиб, ҳамиша коллективизм руҳи билан яшади. Бекиёс обрў ва билимига қарамай у ҳеч вақт масалаларни ёлғиз ўзи ечмас, коллектив орган партия Марказий Комитети, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг фикри билан доим ҳисоблашарди.

Владимир Ильич ҳар бир ходимнинг ташаббусини рағбатлантирар, ўз обрўси билан таъсир этмай, уни ишонтирарди. Марказий Комитет Сиёсий бюроси, Халқ Комиссарлари Совети мажлисларида ким сўзга чиқмасин, ўз фикрини эркин ифодалар, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан таклифларини айтар эди.

Шу билан бирга Ленин масалаларни коллегиал муҳокама қилиб ҳал этишни интизом ва озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши билан қўшиб олиб борарди. Компетент органлар қарор чиқаргандан сўнг, дерди у, биз партиянинг ҳамма аъзолари якдил бўлиб ҳаракат қилишимиз керак.

Партиянинг халқ билан яқин алоқаси ленинча иш услубининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Доҳий социализм ғалабаларининг ҳал қилувчи манбаини омма билан алоқа қилиш, оммани уюштиришда кўрарди.

Ленин васиятлари ва анъаналарига амал қилиб партиямиз омма билан алоқасини мунтазам мустаҳкамлаб бормоқда. Кейинги йилларда меҳнаткашлар хатлари ва таклифларини ўз вақтида ишчанлик билан қараб чиқишни, партия, совет органлари, корхона ва муассасалар раҳбарларининг меҳнаткашларни қабул қилишини яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг муҳим тадбирлари ана шу ленинча васият ва анъаналарнинг конкрет ифодаси бўлди.

Партия танқид ва ўз-ўзини танқиддек муҳим воситадан тўлароқ фойдаланишга ҳамиша интилиб келди. Коммунистларнинг умумий куч-ғайрати билан омманинг тажрибасига таяниб, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, камчиликларни ўз вақтида очиб, уларни тузатишнинг йўлларини топиш ва бу билан ишни яхшилаш, олға қараб бориш учун танқид ва ўз-ўзини танқиддан фойдаланиш керак. Ўз фаолиятини жиддий таҳлил этиш, эришилган натижаларга танқидий муносабатда бўлиш, ўзи ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанлик, қарорлар қабул қилиб уни бажариш партия ишидаги ленинча услубнинг конкрет кўринишларидир.

В. И. Ленин ҳар қандай ишни талабчанлик билан текшириш ва ижро устидан контроль ўрнатишни ҳар бир ишнинг асоси деб биларди. Шунинг учун ҳам КПСС XXV съезди қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текширишни партия ташкилоти ишининг энг муҳим қисми деб, партия иш услубини такомиллаштиришнинг, коллективчиликни топширилган иш учун шахсий масъулият билан қўшиб олиб боришнинг ишончли воситаси деб билди.

КПСС Марказий Комитетининг XXV съезди Ҳисобот докладида шундай дейилади: «Ишда ленинча услубга оғишмай риоя қилиш — барча партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши, барча планларимизни амалга оширишнинг заминидир».

Ўзбекистон Компартияси XXV съезд қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, кадрларни ўз фаолияти усуллари ва методларини такомиллаштиришга доим йўналтириб келмоқда. Бу аввало, республика Компартияси Марказий Комитетининг партия активини, барча масъул ходимларни ленинча назарий меросни, КПСС ҳужжатларини чуқур ўрганишга йўналтираётганида кўринади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетлари, республика министрликлари ва идораларининг иш услуби ва методларини мунтазам ўрганиб келмоқда ва умумлаштириб бораётир. Чунончи, республика Компартияси Марказий Комитети Андижон область партия комитетининг КПСС XXV съезди талаблари асосида область партия ташкилоти иш услуби ва методларини такомиллаштириш тўғрисидаги докладини муҳокама қилди. Шу йил май ойида Марказий Комитет бюроси Қашқадарё область партия комитетининг комплекс ҳисоботини муҳокама қилиб, аввало иш услубини такомиллаштиришга эътиборни қаратди.

Тошкент область партия комитети район ва шаҳар партия комитетларининг, барча кадрларнинг иш услуби доимо такомиллашиб бориши йўлида катта ишлар қилмоқда. Область партия комитетининг бюроси КПСС XXV съезди талаблари асосида Янгийўл шаҳар партия комитетининг иш услуби ва методлари тўғрисидаги масалани махсус кўриб чиқди. Шунингдек, область касаба союзлари Совети иш услуби ва методлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Область партия комитети қабул қилган қарорларда ижобий ютуқлар умумлаштирилиб, камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди. Область партия комитети партия комитетлари, совет органлари, область ташкилотларининг ҳар хил масалалар юзасидан ҳисоботлари ва ахборотларини эшитар экан, ишни ташкил этиш даражаси, фаолият услуб ва методларига доим эътибор бериб келади.

Тошкент, Янгийўл, Ангрен шаҳар партия комитетлари, Фрунзе, Собир Раҳимов, Октябрь, Ғалаба, Бўка, Калинин, Коммунистик район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишни мунтазам такомиллаштириб бормоқдалар.

Кейинги йилларда кўпгина партия комитетлари партия раҳбарлигининг услуб ва методларини қатъият билан такомиллаштириб, унинг самарадорлигини оширишга эришмоқдалар, мураккаб ва масъулиятли хўжалик ҳамда маданий қурилиш вазифаларини малакали ҳал этмоқдалар. Уларнинг фаолиятида ишчанлик, аниқ мақсадни кўзлаш тобора кўпроқ намоён бўлмоқда, проблемали масалаларни комплекс ҳал этиш, мавжуд резервларни ишга тушириш йўлларини ахтариб топиш маҳорати кўринмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ленинча услуб — партиямизнинг бой бисотидир, у барча партия комитетлари, ҳамма раҳбар органлар учун намунадир, у ҳозирги шароитда муваффақиятли партиявий раҳбарлик қилишнинг калитидир. Партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ленинча назарий мерос, унинг услуби ва иш методлари билан белгиланади.

А. АБДУНАБИЕВ,
Тошкент олий партия мактаби партия қурилиши кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

ЛИВИЯ-СУРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ТРИПОЛИ, 10 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Ливия революциясининг раҳбари М. Каддафи билан Сурия Араб Республикасининг президенти Ҳ. Асад ўртасида музокаралар бошланди. ЖАНА агентлигининг хабар қилишича, музокараларда империализмга ва сионизмга қарши курашда араб мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинмоқда.

М. Каддафи САР президентини қабул қилиб, Сурия билан Ливияни бирлаштириш кераклигини айтди ва бундай бирлашув Сурия халқи билан Ливия халқининггина эмас, бутун араб миллатининг ҳам манфаатларига хизмат қилади, деб қаттиқ ишонч билдирди. Сурия билан Ливия бирлигининг яна бир шарти шундан иборатки, иккала давлат миллий матонат ва қаршилик фронтининг актив қатнашчиларидир, бу фронт эса ўзларининг ҳаққоний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча араб мамлакатларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш учун курашмоқда.

Ҳ. Асад жавоб нутқида Сурия билан Ливия ўртасидаги бирликка даъват араб миллатининг эзгу орзуларига мос бўлиб тушишини ва сионистларнинг агрессиясига қарши, Исроил босиб олган араб ерларини озод қилиш учун кураш манфаатларига мувофиқ келишини уқтириб ўтди.

ПОЛ-ПОТЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

ПНОМПЕНЬ, 10 сентябрь. (ТАСС мухбири). Яқинда Кандал вилоятида, Кампучия пойтахтидан йигирма километр нарида Пол-потчилар тинч аҳолини ёппасига қирган жой топилди.

Пол-потчилар ўлимга ҳукм қилинганлар учун қамоқхонага айлантирган собиқ Тоное бати педагогика билим юртининг деразалари ўрнига тиконли сим тортилган бўзранг учта узун биносидан сал наридаги қалин бамбукзордан ваҳшиёна ўлдирилган минглаб кампучияликларнинг суяклари топилди. Қатл этилганларнинг жасадлари куйдирилган печ ҳам шу ерда сақланиб қолган.

Билим юртининг ҳовлисида кишанлар уюми ётибди. Шу қамоқхонанинг мўъжиза билан тирик қолган собиқ маҳбуси Ут Ни айтдики, маҳбуслар 10 кишидан 40 кишигача гуруҳ-гуруҳ қилиниб, бири иккинчисига боғланган ҳолда кишанларга солинган.

Кишанланган кишиларни жазирама офтобда далада ишлаш учун ҳайдаб чиқазганлар. Уларни шу тахлитда гуруҳ-гуруҳ қилиб, қатл этиладиган жойга олиб борганлар. Кишанлар бу одамлар ўлдирилгандан кейингина бўшатиб олинган ва янги маҳбусларга ишлатилган.

Топилган ҳужжатлар шундан далолат берадики, 1976 йилнинг охиригача бу ерда 18 минг кампучиялик ўлдирилган. Даҳшатли ажал конвейери Пол-потчилар қочиб кетгунларича ишлаб турган.

Қамоқхона районида қатл этилганларнинг жасадлари ташланган 200 га яқин хандақ топилган. Территориясида ваҳшиёна қотилликлар қилинган Кандал стунг уездининг маъмурлари Пол-потчиларнинг қонли жиноятларини текширишни давом эттирмоқдалар.

Б. КАЛАШНИКОВ.

Югославия. Адриатика денгизидаги энг йирик ороллардан бири Кркни қирғоғи билан боғловчи янги кўприкда автомобиль ҳаракати йўлга қўйилди. Кўприкнинг узунлиги 1440 метр.

ТАСС фотохроникаси.

КЕСКИН ПРОБЛЕМА

БОНН, 11 сентябрь. (ТАСС). Либерал студентлар иттифоқининг ташаббуси билан ўтказилган тадқиқотлар авторлари «ГФР студентларини турар-жой билан таъминлаш жуда оғир аҳволда» деган хулосага келдилар. Биринчи курс студентларидан кўп минглаб киши, деб таъкидланади тадқиқотда, бузилиши кўзда тутилган биноларда истиқомат қилишга мажбур бўлмоқда.

ГФРнинг анъанавий студентлар марказлари бўлган Мюнстер, Фрейбург ва Геттингенда бу проблема айниқса кескин тус олган.

ҲИНДИСТОНДА ТОШҚИН

ДЕҲЛИ, 10 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Уттар-прадеш штатида ўтган кунлар мисли кўрилмаган тошқин бўлиши натижасида яна 34 киши ҳалок бўлди. Энди штатдаги қурбон бўлганларнинг жами сони 1192 кишига етди.

34 минг қишлоқдаги 22 миллион киши тошқиндан жафо чекди. Бошқа штатларда ҳам катта-катта майдонларни сув босди. Ғарбий Бенгалияда ҳар бирининг аҳолиси 30 минг кишидан иборат икки шаҳарни сув босди. Икки қаватли уйларнинг томларигина сувдан чиқиб турибди.

ЧЕГАРАДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

БАҒДОД. (ТАСС). ИНА агентлигининг хабарига кўра, Эрон авиацияси яна Ироқ территориясини, айниқса Зайн ал-куси аҳоли пунктининг яқинидаги жойни бомбардимон қилган.

Шундан сал олдин агентлик Ироқ мудофаа министрлиги вакилининг баёнотини тарқатди. Вакил Эрон маъмурларини чегара тўқнашувларини чиқаришда айблаб, бунга жавобан Эроннинг Қасри ширин ва Меҳрон шаҳарларини тўпга тутиш тўғрисида буйруқ берилади, деб огоҳлантирди. Вакилнинг айтишича, Эронга авиаучишлар чоғида ироқликлар душманнинг икки қирувчи самолётини уриб туширишга муваффақ бўлганлар.

ЛОНДОН, 10 сентябрь. (ТАСС). Информация агентликларининг Теҳрондан хабар беришларича, Эрон ҳарбий қўмондонлиги Ироқдаги бир неча нишонларни Ироқ армиясининг агрессив ҳаракатларига фақат жавоб тариқасидагина бомбардимон қилган ва тўпга тутган, деб маълум қилган.

Теҳрон радиосининг таъкидлашича, кейинги икки кун ичида ҳаво ҳужумига қарши мудофаа воситалари Эрон территорияси устида Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг икки қирувчи самолёти ва бир неча вертолётини уриб туширган, ҳаводан ўт очиб «кўп танклар» мажақлаб ташланган.

УЗБЕК ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИ КЕКСА ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ ҚУРИК—КОНЦЕРТИ

ҚЎШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА

Оламга овоза солиб
Утдим, армоним қолмади.
Эргаш ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли.
[«Хушкелди» достонидан].

* * *

Ўтмишни тўлароқ англаб, ҳозирги замонни аниқлаб оламиз; ўтганларнинг маъносини чуқурроқ тушуниб, келажакнинг маъносини очамиз: орқага қараб, олға қадам қўямиз.

А. И. ГЕРЦЕН.

* * *

Қаро кўзим келу мардумлиғ
эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум
киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгил
равзасин
ясаб гулшан.
Қадинг ниҳолиға жон
гулшанин
чаман қилғил...

«Ушшоқ» янграмоқда. Асрлардан асрларга ўтиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган бу ўлмас мусиқа инсон қалбини бир зумда чулғаб олади. Бенхтиёр: олисолис замонларда машаққатли меҳнат, бедаво тақдир зулмидан фарёд чекаётган кўнгилнинг энг чуқур қатламларидан отилиб чиқаётган оташнок туйғулари пўртанасига ошно бўласан киши. Куй эса пардама-парда авж нуқталарига кўтарилади. Хонанда ҳам ўз қалбини энди кашф этаётгандай ҳар оҳанга мос сўзга юрак ҳароратини бахш этиб хониш қилади. Унга жўр бўлувчи созандалар қўшиқчининг изҳори дилига ҳамнафас, бетакрор оҳанглар сеҳридан сархуш, ихтиёрсиз бош тебратадилар, созларини жонини олгудай сайратадилар...

Сиз, бу ижрочини бирор машҳур хонандага ўхшатган бўлсангиз, янглишасиз. «Қаро кўзим...»ни бу гал оҳангарончилик ҳаваскор қўшиқчи Саломат опа Юсупова куйламоқда. Эҳтимол, ижрочининг маҳорати — бу ашуланн қнёмига етказиб айтган халқ ҳофизлари даражасида эмасдир, лекин куй тугагач, қўшиқни ҳузур қилиб тинглаганлар орасидан кимдир, кўнгил истагини яшира олмай: «Жуфт бўлсин!» деб ҳайқириб юборганига ҳеч ажабланмаса ҳам бўлардн. Негаки, бу — ҳеч қандай мусиқавий билимн бўлмаган, лекин ўзбек халқ қўшиқчиларига меҳр қўйган, Навоий ғазалларини қўлдан қўймай, мақом йўлларида ашула айтишни ўрганган хушовоз ҳаваскорнинг истеъдодига юксак баҳо эди...

Бўка районн марказидаги «Мингчинор» боғини бунёд этган заҳматкаш кишилар меҳнатига таъзим қилгингиз келади. Бундан 13 йил бурун экилган чинор ниҳолларн етилиб, чиройли боғ бўлибдн. «Мингчинор»да улкан-улкан йиғинлар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Утган шанба куни бу ерда область Маданият бошқармаси ва республика Актёрлар уйи билан ҳамкорликда ўзбек халқ қўшиқчилари кекса ижрочиларининг кўрик-концертини уюштирдилар. Кўрикда Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент, Чиноз, Коммунистик ва Бўка районларидан қўшиқчи ва бахшилар иштирок этди. Улар орасида 75 ёшли Пардабек ота Рустамов, Мираҳмад ота Юсупахмедов, 67 ёшли Омон бахши Болтаев, 65 ёшли Иноятқори Эгамбердиев, 68 ёшли лапарчи Назира ая Йўлдошева, 56 ёшга кирган Фарида ая Салаҳутдинова каби ўз умрларида ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, энди кексалик гаштини сураётган, айни чоғда ёшлигида ўрганган қўшиқ, достон, лапэр ва рақсларнн давраларда намойиш қилиб, кишиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонаётган халқ талантлари бор эди.

Дунёда икки севги
муродига етганмикин!
Қайда ман туғилмишам, —
дардга келиб хор ўлмишам...

Рихси ая Шарипова ижросидаги «Мадражон» халқ қўшиғи, Назира ая Йўлдошева ва Уғилжон ая Баратова куйлаб, онахонлар — Р. Шарипова ва Ҳ. Абдураҳмонова қошиқ ўйинига тушган «Вайдод-эй облона» халқ қўшиғи ҳам ўзига хос нафосати билан томошабинларга манзур бўлди.

Қўшиқ рақсга, рақс лапарга, лапар достонга туташади. Саҳнага оҳангаронлик отахон ва онахонлар чиқишади. Цемент комбинатининг ишчиси Шокир Дўстов қўшнайда «Ғалдир» халқ куйини чалади. Наининг нозик садолари юракларга денгиз тўлқинларидай бирин-кетин урилгандай бўлади. Сўнгра дўмбира чертилади: Омон ота Болтаев «Гўрўғли» достонидан парча ижро этади. Бахшининг ўзига ярашган овози, халқ достонининг руҳи барчани сеҳрлайди.

«Дилхирож» куйи янраганда Фарида ая Салаҳутдинова-Чори ака — Ҳамза номли колхозда бригадир. Унинг бригадаси ҳар йили пахтадан юқори ҳосил кўтаради. Бахши қаерда бўлмасин кўлидан дўмбирасини қўймайди. Турли давраларда, тўй ва сайилларда у халқ оғзаки ижодидан намуналар куйлаб беради. Ўзи ҳам фаровон ҳаётимиз, меҳнатда жасорат кўрсатаётган замондошларимизга бағишланган терма ва достонлар яратади. Чори бахши дўмбира жўрлигида «Гўрўғли» достонидан куйлаган парчани тўпланганлар катта қизиқиш билан қарши олдилар.

Кейинги навбат Коммунистик районининг кекса ўқитувчилари Мунисхон ая Пўлатхўжаева ва Баҳринисо ая Пардихўжаеваларга берилади. Улар ижросида Ҳ. Олимжоннинг газалига Юнус Ражабий басталаган «Куйгай» қўшиғи жаранглайди:

Сўзингни шарпаси текканда олам боб-боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда хубоб куйгай.
Камондек қошларинг
киприкларингдан
ўқ отар доим,
Сенинг ёдинг билан тинмай
ҳама нозу итоб куйгай...

— Халқ қўшиқлари ва мақомларини афсуски ҳамма ёшлар ҳам хуш кўравермайдилар, тўғрироғи, улар енгилпи ашулаларга кўникиб қолишган, — дейди суҳбатда М. Пўлатхўжаева. — Агар халқ қўшиқлари ва мақомлари жойларда тез-тез, оммавий равишда эшиттирилиб турилса бу қўшиқларга меҳр-муҳаббат янада кучайган бўлардн...

Ҳа, область Маданият бошқармасининг бу ўзига хос санъат байрамини яхши ташкил қилганини эътироф этган ҳолда, халқ қўшиқлари кекса ижрочиларининг биринчи марта ўтказилган бундай кўрик-концертларини анъанавий равишда, аввало районлар, сўнг область миқёсида ўтказиб турилишини истар эдик. Чунки, бебаҳо маданий меросимизни эъзозлаш, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ қўшиқлари, достонлари, лапар ва рақсларини бор нафосати билан келгуси авлодларга етказиш—бугунги кун кишиларининг муқаддас ва шарафли бурчидир.

Концерт ниҳоясида область Маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов халқ талантларини улкан муваффақиятлари билан табриклади ва миннатдорчилик билдирди, уларга сиҳат-саломатлик, ижодларига барака, ҳамиша ёшларга ўрнак бўлишларини тилади. Сўнгра кекса ижрочиларга Маданият бошқармасининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Р. ҒАНИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Конферансье — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Убайдулла Мадраҳимов саҳнага Бўстонлик районидан келган онахонлар — Ҳакима Абдураҳмонова, Тилла Толипова, Лазокат Нуримовалар-ни таклиф этади. Улар доира жўрлигида «Қора қош» халқ қўшиғини ижро этишади. Унга «Ўлмишам» қўшиғи уланиб кетади. Бу ашулаларнинг гоҳ мунгли, гоҳ шўх оҳанглари-нинг жозибаси юракларни аллайди. Баъзан сўзларида ноаниқликлар, шева таъсиридан туғилган иборалар учрасада, улардаги ифоданинг мусиқийлиги эътиборни тортади:

Дарёдан оқиб келган
чилим қовоғинг найиман,
Рўпарада ўтирган
қошн қаронинг ёриман.
Ҳавода парча булут,
ёмғир ёғиб ўтганмикин,

Чори ака — Ҳамза номли колхозда бригадир. Унинг бригадаси ҳар йили пахтадан юқори ҳосил кўтаради. Бахши қаерда бўлмасин кўлидан дўмбирасини қўймайди. Турли давраларда, тўй ва сайилларда у халқ оғзаки ижодидан намуналар куйлаб беради. Ўзи ҳам фаровон ҳаётимиз, меҳнатда жасорат кўрсатаётган замондошларимизга бағишланган терма ва достонлар яратади. Чори бахши дўмбира жўрлигида «Гўрўғли» достонидан куйлаган парчани тўпланганлар катта қизиқиш билан қарши олдилар.

Кейинги навбат Коммунистик районининг кекса ўқитувчилари Мунисхон ая Пўлатхўжаева ва Баҳринисо ая Пардихўжаеваларга берилади. Улар ижросида Ҳ. Олимжоннинг газалига Юнус Ражабий басталаган «Куйгай» қўшиғи жаранглайди:

Ўзбек халқ қўшиқларининг кекса ижрочилари давр аси ғоят қувноқ ўтди. Бўка районидаги «Мингчинор» боғига тўпланган кексаю ёш томошабинлар халқ санъаткорлари ижро этган дилрабо қўшиқ, шўх лапар ва рақслардан олам-олам завқ олдилар. Онахон ва отахонларнинг маҳоратини чин дилдан олқишладилар. Суратларда: (юқорида) оҳангаронлик бахши Омон Болтаев «Гўрўғли» достонидан қўшиқ айтмоқда. (Пастда): 1. Бўстонлик районида истиқомат қилувчи онахонлар—Назира Йўлдошева, Уғилжон Баратова, Рихси Шарипова, Ҳакима Абдураҳмонова, Тилла Толипова, Лазокат Нуримовалар ижросидаги халқ лапарлари ва рақслари ўзига хос жозибаси билан кишиларни мафтун этади. 2. Чиноз, Оҳангарон ва Бўка районининг кекса халқ талантлари.

К. Ромеев фотолари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ГА
ОБУНА БЎЛИНГ!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1981 йил учун обуна давом этмоқда.

Газетанинг обуна баҳоси:

олти ойга — 2 сўм 64 тийин.

бир йилга — 5 сўм 28 тийин.

Шуни эслатиб ўтамизки, «Тошкент ҳақиқати» чекланган миқдорда сотишга чиқарилади. Бинобарин, газетани ҳар куни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, тащкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Спорт

ОЛИМПИАДАЧИНИНГ МЕДАЛИ

Ереван шаҳридаги «Спартак» трекида СССР, Чехословакия, Польша ва мамлакатимизнинг бир қатор иттифоқдош республикаларининг терма командалари ўртасида ўтказилган мусобақада олимпиадачинг кумуш совриндори Александр Панфилов ҳам иштирок этди. Пойгачимиз 1000 метрга гит мусобақасида 1 минут 07,932 секунд натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эталлашга муваффақ бўлди.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Бир неча кун давомида Пол районидаги Ғурумсарой посёлкасида республика колхоз-совхозлари физкультура коллективларининг иккинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Бунда область спартакиадаларининг ғолиблари, қатор спорт турлари бўйича куч синашдилар. Программанинг кўпчилик турларида Тошкент области вакиллари пешқадамлик қилдилар. Жумладан 400 метрга бўлган югуришда М. Бабурин 54,8 секунд натижа билан ғолиб келди. 800 метрга бўлган югуришда ҳам Тошкент области енгил атлетикачиси Э. Нажмиддинов биринчи ўринни олди. «Политотдел» колхоз хоккейчи қизлари финалда Андижоннинг «Савай» командасини енгиб, спартакиаданинг бош совриннни қўлга киритдилар. Ғалаба районининг «Ленинград» колхози волейболчилари эса якунловчи учрашувни олтинариқлик спортчилар билан ўтказиб, 3:1 ҳисобида ғолиб келишди. Велосипедчилар пойгасида ҳам Тошкент области вакилларига тенг рақиб топилмади.

Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Тошкент, Андижон, Наманган.

ГТО КУП КУРАШИ ҒОЛИБЛАРИ

Олмаликда «Комсомольская правда» газетаси мукофоти учун финал мусобақаларда қатнашишга даъвогар бўлган Тошкент области спортчиларининг дастлабки босқич беллашувларига якун ясалди. Биринчи босқичда бекободлик А. Малухин 101 очко тўплаб, биринчи бўлди. Шу босқичда қизлар ўртасидаги баҳсда чирчиқлик Наталья Ерена энг кўп—98 очко тўплади. Иккинчи босқич беллашувларида олмалиқлик Александр Мешков билан Светлана Ибирева, учинчи босқичда чирчиқлик Светлана Тушнкова ва ангренлик Александр Скиба ғолиб келдилар. Қолган босқичларда чирчиқлик А. Мачула, С. Савков, П. Шелипов, Г. Рахметова, олмалиқлик П. Раденкова, янгибозорлик Е. Киршинлар биринчи бўлишди.

Мусобақада ҳаммаси бўлиб 500 дан ортиқ киши қатнашди. Шаҳарлар ўртасида Чирчиқ ва Олмалиқ, районлар ўртасида эса Коммунистик ва Янгийўл командалари ғолиб келдилар.

Бизнинг АХБОРОТ

ЖАМОАТ МАРКАЗИ

Тошкент зонал экспериментал лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг бир группа архитекторлари хайрли ишга қўл урдилар. Улар Лисунов кўчасидаги уй-жой массиви учун жамоат маркази лойиҳасини ишлаб чиқишди.

Бу марказ маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи объектларни истиқомат қилувчилар учун қулай жойда барпо этилиши билан диққатга сазовордир. Лойиҳачилар марказни самолётсозларнинг Маданият саройи орқасида барпо этишни таклиф этдилар. Шаҳар қурилишининг энг сўнгги талабларига жавоб берадиган йирик жамоат марказининг муҳташам биноси микрорайонга янада жозиба бахш этади.

Жамоат марказн тўрт қаватли бинодан иборат бўлади. Унинг биринчи ва иккинчи қаватларида никоҳ саройи, 350 ўринли кинолекциялар зали ва 200 ўринли кафе жойлашади. Юқори қаватларнн эса дискотека, техника ижоди тўгараклари эгаллайди. Бу кўркам бино қурилиши тез кунлар ичида бошлаб юборилади.

●

СОПОЛДАГИ ЖИЛОЛАР

Ўзбекистон ССР бадиий фондига қарашли Тошкент амалий санъат экспериментал-ижодий комбинати коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар меҳнаткашларга манзур бўлмоқда.

Сополдан ясалган ва кўркам, гўзал жило берилган, гуллар туширилган лаганлар, косалар, пиёлалар, совға буюмлари савдо шохобчалари пештахталарида туриб қолмаяпти. Миллий безаклар туширилган бундай буюмларни Ўзбекистон меҳнаткашлари қатори республикамизга кўплаб келаётган туристлар, чет эллик меҳмонлар ҳам севиб харид қилишмоқда.

Комбинат рассомлари, ганчкорлари Тошкент метрополитени станцияларини, республикамиз пойтахтида қад кўтараётган қатор маданий-маиший объектларни безашда ҳам қатнашдилар. Ҳозирги вақтда улар Тошкентнинг энг кўркам биноларидан бири бўлиб қоладиган янги кино-концерт зали хоналарини безаш билан шуғулланмоқдалар.

●

МИЛЛИОН СЎМЛИК ХИЗМАТ

Оржоникидзе район маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш турларини йил сайин кўпайтирмоқда.

Яқинда район маркази — Қибрай посёлкасида мўйначилик устахонаси ташкил этилди. Бу устахона ходимлари турли хил мўйна буюмлари тайёрлаб бериш учун олдиндан буюртмалар олади. Шундай қилиб, комбинат кўрсатаётган хизмат тури 18 тага етди.

Комбинатда меҳнаткашлардан кийим тикиш, буюмларни химия усули билан тозалаш учун буюртмалар қабул қилувчи кўчма бригадалар ҳам ташкил этилган. Бу қишлоқ меҳнаткашлари учун катта қулайлик туғдирмоқда. Уларни ортиқча овворагарчиликдан халос этаяпти.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиб-териб олинаётган ҳозирги долзарб кунларда кўчма бригадалар сони яна кўпайди. Бундай бригадалар район чекка-ридаги дала шийонларида тез-тез бўлиб буюртмалар қабул қилмоқда.

Комбинат коллективи хизмат ҳажмини тобора кўпайтириб бормоқда. Сўнгги йилларда у бир миллион сўмлик атрофида бўлаяпти.

М. ЗАРИПОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

13—14 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 да

Ўзбекистон радиоси «Табассум» редакцияси ижодкор ва ижрочилар иштирокида

VII АНЪАНАВИЙ «ТАБАССУМ» КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

Программада: интермедия, ҳажвия, ҳангома ва инсценировкалар, ҳазиллар ҳамда лирик қўшиқлар, пародиялар.

КЕЧАМИЗГА МАРҲАБО ТАБАССУМСЕВАР ДЎСТЛАР!

Касса соат 13.00 дан ишлайди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

БОЛГАРИЯ, ВЕНГРИЯ, ГДР, МОНГОЛИЯ, ПОЛЬША, РУМИНИЯ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, СССР ЦИРК УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА

„ИНТЕРЦИРК — 80“

ГАСТРОЛЛАРИ

(2 бўлимда)

ДАВОМ ЭТМОҚДА

СССР спорт мастери Александр ПАНИН раҳбарлигидаги «ДЕНГИЗ ЛАВҲАЛАРИ» АКРОБАТИК АНСАМБЛИ ҚАТНАШАДИ.

Манежда биринчи марта—ягона аёл-масхарабоз Галина БОГОМОЛОВА ва Лев ФЕДОТОВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари 13, 16, 19.30 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ХАРЬКОВ» МАРКАЛИ ЭЛЕКТР УСТАРА ҲЕЧ ҚАЧОН ЭСКИРМАЙДИ:

«ХАРЬКОВ» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ДОИМО ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ.

«ХАРЬКОВ-109» — ТЎРСИМОН ЭЛЕКТР УСТАРАЛАР ОИЛАСИДА ЭНГ КЕНЖАСИ.



Устара узоқ муддатга чидайдиган кучли компактли электр двигатель билан таъминланган.

Бу ротор типидаги ҳаракатланувчи «сузиб юрувчи» тиғ ва ётиб қолган тукни илиб оладиган ғалвир-тиғ қўлланилган ягона модель ҳисобланади. Тиғ блокининг формаси юз ва чеккадаги нотекис жойларни киртишлашга мослаштирилган. Устарада қирқувчи блок бор.

«ХАРЬКОВ-109» — соқолни ниҳоятда тоза қиртишлайди, юмшоқ сиртғанади, узоққа чидайди.

«ТЕЛЕПРЕССТОРГ-РЕКЛАМА»

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

ҲАММА АБОНЕНТЛАРГА

15 НОЯБРГАЧА

ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1980—81 ИИЛЛАР ҚИШКИ МАВСУМИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН

тайёрлаб қўйишларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Водопровод ва канализацияни профилактик ремонт қилиш;

вақтинча қурилган водопроводларни тугатиш;

водопровод трубаларини ювиш

ЗАРУР.

Ўз водопровод-канализация хўжаликларини қишки мавсумга тайёрламаган абонентларга қўшимча огоҳлантиришсиз шаҳар водопроводидан сув берилмайди.

Шуниигдек, фойдаланилган сув учун ҳақни ўз вақтида тўлашингизни сўраймиз.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёшлар адреслари. 11.05 — Дастлабки тергов. Ҳужжатли фильм, 2-серия. 12.05 — Халқ ижоди. 12.45 ва 13.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 13.55 — Мешчанлар. 16.50 — Москваликлар — партия съездига. 17.20 — Л. Бетховен, 1-симфония. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Орлёнок. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинолавҳа. 19.35 — Фильм-концерт 20.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 Севимли роллар. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — Оқшом тароналари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Болалар учун фильм. 12.45 — Концерт. 13.15 — Нима қилмоқ керак? Спектакль, 3-серия. 14.10 — Замандас. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Инсон болаликдан бошланади. 19.00 — Бархаёт ибн Сино. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қизлар гулдастаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — С. Кобулова куйлайди. 21.30 — Время. 22.00 — Оламда нима ган? 22.30 — Ў. Усмонов. Гирдоб. Телевидиофильм, 3-қисм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.15—Болалар учун фильм. 20.40—Ўқитувчилар учун консультация. 21.10 — Қонун қўриқчилари. 21.40 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Кочубей. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|IX да **Рўйхатларда йўқ**, 13|IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 14|IX да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12|IX да **Паранжи сирлари**, 13|IX да **Олифта**, 14|IX да **Ур, тўқмоқ** (16.00), **Тошкентнинг нозанн маликаси** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|IX да **Тўй муборак, қари қиз**, 13|IX да **Биринчи бўса**, 14|IX да **Тинмасин, соз**.

Тошкент область Статистика бошқармаси ва область ҳисоблаш маркази коллективлари республика марказий статистика бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ю. А. Икромовга онаси

Шаҳодат ҲАСАНЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000 Тошкент—П ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва катлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02209. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1685.